

Наука и жизнь Узбекистана

## Танец галактик



«Ўткан  
кунлар»  
қачон ўтган?




Навой  
астрономияси

Камарбалик  
цунами  
даракчиси ми?

50 лет  
высадки человека  
на Луне



**ИНСТИТУТ ЯДЕРНОЙ ФИЗИКИ  
АКАДЕМИИ НАУК  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**



В Институте ядерной физики Академии наук Республики Узбекистан введен в строй новый ускоритель электронов «Электроника У003» с энергией до 8 МэВ и мощностью пучка 5 кВт. С помощью этого единственного в Узбекистане ускорителя не только решается широкий круг научных задач, но и удовлетворяются запросы отраслей промышленности и медицины. В частности, осуществляется радиационная стерилизация таких медицинских изделий, как:

- хирургические рассасывающиеся нити Кетгут;
- коллагенные гемостатические губки;
- хирургические не рассасывающиеся шелковые нити;
- хирургические комплекты из нетканого материала (Спанбонд, СМС);
- медицинские перчатки из натурального латекса;
- системы переливания крови;
- медицинские бинты и ваты;
- одноразовые шприцы.




### 3 Навоий асарларида собиту сайёралар васфи

Шухрат Эгамбердиев

### 7 «Ўткан кунлар» қачон ўтган

Собит Илёсов



### 9 «Қамишдан бел боғлаб»?..

Зухриддин Исомиддинов

### 16 VERICOLOMBO – Меркурий миссияси

Қудратилло Йўлдошев

### 25 Алвидо, килограмм!

Нина Карачик

### 29 Астрономияда оламшумул кашфиёт: қора ўранинг илк тасвири олинди

Бобир Тошматов

### 39 «Nature» нигоҳига тушган тадқиқотчилар



### 47 2019 йилнинг асосий астрономик ходисалари

Чори Шердонов ва Собит Илёсов

### 52 Камарбалиқ цунами даракчисими?

Улугбек Мирзаев

### 58 Аниқ вақт Ғалаба учун!

Шухрат Эгамбердиев

### 61 Дунёдаги энг бадавлат инсон қим бўлган?

### 63 «Фан ва турмуш» фидойиси



# В НОМЕРЕ



## 11 100 лет у руля мировой астрономии

Шухрат Эгамбердиев и Алишер Ходжаев

## 13 Миссия «Хаябуса» – соколиная охота в Солнечной системе

Алишер Ходжаев

## 19 Танцующие галактики обсерватории Майданак


Ильдар Асфандияров и Ренат Гайсин

## 22 Целебные цветы Майданака

Ильдар Асфандияров

## 27 Прощай, килограмм!

Нина Карачик



## 32 Сенсация: первое изображение силуэта черной дыры

Бобомурат Ахмедов

## 36 Инновационная экономика от Майкла Портера

Михаил Кремков

## 43 Исследователи, отмеченные журналом «Nature»

## 49 Советы о здоровье от радио «Пойтахт»

## 53 Рыба-ремень – предвестник цунами?

Улугбек Мирзаев



## 54 «Аполлон-11» – первые люди на Луне

Игорь Ибрагимов

## 60 Точное время для Победы!

## 66 Илон Маск: секреты успеха



# Навои асарларида собит у сайёралар васфи

**Х**азрат Алишер Навоий ўз асарларида инсонпарварлик ва ҳалоллик, адолат ва ҳақиқат, камтарлик ва тўғрилиқ ғоялари каби умумбашарий қадриятларни тараннум этиш билан бирга, ўз замонасининг астрономик тасаввурларини ҳам ниҳоятда гўзал бадий шаклда баён этган.

Муддаога ўтишдан аввал ўқувчини Навоий замонида олам тузилишига оид тасаввурлар билан бир қадар таништирсак. XV асрда барча осмон жисмлари икки тоифага ажратилган: собит турган юлдузлар ва улар орасида сайр қилиб юривчи беш сайёра – Аторуд (Меркурий), Зухра (Венера), Миррих (Марс), Муштарий (Юпитер) ҳамда Зухал (Сатурн). Ой билан Қуёш ҳам сайёралар тоифасига киритилган. Улар осмон сферасида қуйидаги тартибда жойлашган деб ҳисобланган:

Биринчи фалакда Қамар (Ой) жойлашган. Унинг ўзи ва рамзий ранги (яшил, кўк) мусулмон оламида ниҳоятда муҳим ҳисобланган.

Иккинчи фалакдан Аторуд (Аторид, Уторид) жой олган. У фалак қотиби, шоирлар ҳомийси саналган, унинг туси мовий, феруза деб ҳисобланган.

Учинчи фалакда Зухра (Қўлпон) – осмон қолғучиси, созандалар ҳомийси жойлаштирилган. Унга оқ ранг нисбат берилган.

Тўртинчи фалакда Меҳр (Қуёш) сайр этган, у ишқ оташи, севги рамзи саналган. Унга сарик, заррин ранг хос деб ҳисобланган.

Бешинчи фалакда Миррих (Баҳром) турган. Бу сайёра жангчилар ҳомийси ҳисобланган. Шу боис унга кизил, қон ранги нисбат берилган.

Олтинчи фалакдан Муштарий (Биржис) жой олган. У бахт қолдузи – «Саъди ақбар» ва «Фалак қозиси» ҳам деб юритилган. Унга қизғиш, сандал дарахтининг ранги хос деб ҳисобланган.

Еттинчи фалакда Зухал (Қайвон) жойлаштирилган. Бадий асарларда у зуксаклик рамзи сифатида тасвирланган. Туси – сиёҳранг, қора.

Саккизинчи фалакда эса буржларга бирлаштирилган барча турғун юлдузлар жойлаштирилган.

Навоий ўз асарларида сайёраларнинг ушбу таъриф-тавсифидан моҳирона фойдаланиб, ўқувчи нигоҳида уларни бамисоли тирик мавжудотлардек гавдалантиради. Масалан, «Сабъан сайёр» достонининг Ҳусайн Байқаро мадҳига бағишланган бобида Навоий Зухалга: «Эй тўлин Зухал, сиёҳдонимга рухсорингни солиб, унинг сувини қорайтиргинки, мен шох шаънига гавҳарлар теришни бошлай, шох мадҳини дур-



*Зухра (Венера). XIV аср қўлёзмасидан*

дай пок ва маъноли сўзлар ила баён қилай», деб му-рожаат этади (мақоладаги барча иқтибослар Иноят Махсум ва Саидбек Ҳасановларнинг насрий баёнларидан олинди).

Навойий саккизинчи фалакдаги зодиакал юлдуз туркумларини ажратиб олади. Зодиак белбоғи «Зотулбуруж» деб юритилган. Мана ўша юлдуз туркумларининг номлари: Ҳамал (Кўй), Савр (Бузок) Жавзо (Эгизаклар, Дулайкар), Саратон (Қискичбака), Асад (Шер, Арелон), Сунбула (Паризод), Мезон (Тарози), Акраб (Чаён), Қавс (Ўқотар, Ёй), Жадди ёки Жадий (Тоғ эчкиси), Далв (Қовға, Сувчи), Хут (Балик).

Кўриниб турибдики, бу юлдуз туркумларининг аксари жониворлар номи билан аталган («зодиак» сўзи юнончадан олинган бўлиб, «хайвонот» маъносини билдиради). Навойий учун булар алоҳида характер ва хусусиятларга эга образлардир.

Куёш йиллик харакати натижасида 12 буржни айланиб чиқади. Буни текшириш ва тушуниш ниҳоятда осон. Масалан, хар тун роппа-роса соат 12 да осмоннинг жанубий қисми (меридиан)нинг ўрта-роғига боксак, зодиакал юлдуз туркумининг бирига

кўзимиз тушади. Шу вақт Куёш Ернинг қарама-қарши томонида бошқа бир зодиакал юлдуз туркумида турган бўлади. Тахминан бир ойдан сўнг яна шу вақтда меридианда бошқа зодиакал юлдуз туркуми туради. Шу тариқа, йил давомида биз барча 12 зодиакал юлдуз туркумларини бирма-бир меридианда кўришимиз мумкин. Куёш ҳам ана шу туркумларда бирма-бир туриб чиқади. Қадимги астрономлар бундан яхши хабардор бўлганлар.

Навойий олам тузилишини бадий образлар оркали тасвирлашда мусулмон оламида машҳур бўлган Меърож кечаси қиссасидан ҳам фойдаланган. Қуръон сурасида қисқа ва лўнда баён этилган Меърож воқеасини мутафаккир бадий образлар оркали батафсил ҳикоя қилади. Навойий асарларининг насрий баёнига кўра, «Буроки барқваш узра чиқиб келаётган ул шахсувор»ни кўрган фалак сохиблари ҳаяжонланганларидан гоҳ ўзларини йўқотар, гоҳ ишларини ташлаб унга махлиё бўлиб боқишар, гоҳ йўл бўшатиб ўзларини четга олишарди...

Дарвоқе, ўрта аср кишилари тасавурида тўққизинчи фалак ҳам бўлган. У исломий манбаларда «Арши аъло» («Арши аззам») деб аталган. «Чархи кажрафтор» айнан ўша ердан саккиз фалакни ҳаракатга келтиради. Муҳаммад (с. а. в.) Меърож кечасида айни шу тўққизинчи фалакка чиққан, деб ҳисобланади.

Муҳтасар маълумотларга таяниб, Навойий байтлари шарҳига ўтсак ҳам бўлади. «Сабъан сайёр»нинг IV бобида қуйидаги сатрлар келтирилган (ўнг томонда насрий баёнини ҳам келтирдик):

*Марқаби урди Ой юзига тувог,  
Уйлаким, қолди жабҳаси уза доғ.*

Тулпор шу қадар учдики, унинг туёғи  
Ой юзини ҳам доғ қилиб кетди.

*Чун Аторидқа барқдек сурди.  
Хораи сум хомасин синдурди.*

Уторид юлдузига яшиндай етиб, унинг  
қумушранг тош қаламини синдирди.

*Қилди чун Зухра сори оҳангин,  
Зухра ёшурди ваҳмидин чангин.*

Зухра томон йўллангач, оҳанги ваҳмидан  
Зухра ўз чангини яширди.

*Меҳр худ кавқаби жалолатидин,  
Ерга кирмиш эди хиёсолатидин,*

Куёш ўзга юлдузнинг улуғворлигидан  
уялиб ерга кириб кетган эди.

*Савлатига чу солди кўз Баҳром,  
Тигига берди қин аро ором.*

Унинг савлатини кўрган Баҳром қиличини  
Қинига солиб, унга дам берди.

*Муштарий тушти минбаридин тез,  
Юзни гардидин этти нуромиз.*


Нурдан юзидаги гарди зоҳир бўлган Муштарий  
эса, тезда ўз минбаридан тушди.

*Зухал асбобин айлади бир-бир,  
Ҳиндуйидеки, бўлса маъракагир.*

Зухал асбобларини бирма-бир, ҳозирлади-да,  
У ҳиндудек аллақайси иқлимга бориб етди.



*Мусулмон астрономлари тасавурида олам тузилиши (тафсилотларини мақоладан кўринг)*



*Ой Саратон юлдуз туркумида. XIV аср кўлёмасидан*

Ушбу сатрларда Бурок отига минган «махобатли Хожа» етти фалакдан ўтиб боргани ва сайёралар уни қандай қарши олгани таърифланган. Шундан кейин у саккизинчи фалак – Зотулбуружга етиб боргани ва у ерда уни 12 бурж қарши олгани баён этилган:

*Секкизинчи фалакка сурди чу раҳи,  
Нуридин собитот олди дараҳи,*

*Гавҳарига фалак чу бўлмади дурж.  
Қолди ҳар гўшаси аро бир бурж...*

Яъни, унинг савлати билан ҳамма ҳисоблашар эди. Тавсани саккизинчи фалакка етганида унинг нуридан юлдузлар чараклаб кетди. Фалакда бу гавҳарга муносиб жой топилмай ҳар ерда бир-бир чўкки ҳосил бўлди:

*Ҳамалу Савр қолди нола қилиб,  
Тўшалиққа ўзин ҳавола қилиб.*

*Бўлди Жавзога тўрт кўз ҳайрон,  
Беш аёғ бирла раҳи этиб Саратон.*

*Асад ўзни саги шикоре этиб,  
Сунбула донасин нисоре этиб.*

*Адолдин ростлиқ топиб Мизон,  
Нуш Акраб самумидин резон.*

*Қавс бўлди йўлида чилланишин,  
Жадий наззорасида қулла гузин.*

*Далв йўлида сув уруб гоҳи,  
Хут онсиз сувдин йироқ моҳи.*

Ҳамал билан Савр ҳам унга манзилгоҳ жой таклиф этишиб, нола билан қолишди.

Жавзо у отнинг беш оёқлаб учиб ўтганидан кўзи тўрт бўлиб қолди.


Йиртқичликда сохибқирон бўлган Асад эса Сунбула уруғларини сочиб юборди.

Адолат Мезони ҳукм суриб унинг елидан Акрабнинг ичимлиги тўкилиб кетди.

Қавс унинг ўтган йўлига қараб қирк кунгача безовта бўлиб қолди.

Далв унинг йўлига сув сочган бўлса, Хут сувсиз қолган бир балиқ мисол бўлди

Ушбу парчанинг Қавс билан Жадийга оид байтини талкин қилишда бир оз хатоликка йўл қўйилган. «Чилла» сўзининг яна бир маъноси «камоннинг ипи» экан. Бу байтнинг маъноси бизнингча бундай бўлиши керак: «Қавс (Ўқотар) унинг йўлида камон бўлди (яъни эгилиб таъзим қилди), Жадий (Тоғ эчкиси) назарида у тоғ чўкқисидек кўринди».



*Қавс (Ўқотар) ва Жадди (Тоғ эчкиси) юлдуз туркумлари.  
XIV аср қўлёмасидан*

длашни истардик. Аммо шоир асарларида учрайдиган зарнигор, гулнорий, мушкин, ёқуtfootом каби рангларни англаувчи сўзлар, афеуски, бугун буткул унутилган.

Ҳазрат Навойнинг бисотида ҳозирда муомаладан чикиб кетган яна бир сўзга дуч келдик. Бу сўз «мамар» бўлиб, у «йўл», «сув йўли» маъноларини англатар экан. Мазкур сўз «Бобурнома»да ҳам айнан шу маъноларда қўлланган.

Астрономия ва бошқа фанлардан талабаларга сабоқ бериш жараёнида баъзи бир илмий атама ва рангларни ифода этишда қийинчиликларга тўқнаш келамиз. Масалан, ўзбек тилида осмоннинг, чойнинг ҳамда сабзанинг рангини ифодалаш учун «кўк» сўзини истифода этамиз. Ваҳоланки, булар ҳар хил ранглардир ва гап илмий мавзу устида кетса, бу ҳол ноаниклик туғдириши табиийдир. Аниқлиқни талаб этадиган атамалар орасида «белбоғ» калимасини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Бу сўз, одатда, бирон бир узунчоқ шаклдаги мухитни кўндалангига (узунасига эмас!) боғловчи нарса ёки йўналишни ифодалайди. Шу боис баъзи ҳолларда аниқлик талаб этилганда русча «полоса» сўзини ўзбекчага «белбоғ» деб таржима қилиб бўлмайди. Дейлик, бизнинг Галактика – Сомон йўлини ўртасидан узунасига кесиб ўтадиган қоп-қора тузилмага нисбатан «белбоғ» эмас, «камар» сўзи ишлатилса ўқувчида аниқроқ таассурот уйғотади.

География муаллими сайёрамизнинг бир неча давлатини камраган узун худудни ифода этиш учун «камар», серкатнов денгиз йўли учун эса «мамар» сўзини ишлатиши мумкин. Масалан, ҳозирги глобаллашув даврида куруқликдан ҳамда денгиз йўлидан ўтадиган йўналишларни ўқувчиларга аниқ ва равшан ҳолда «Бир камар, бир мамар» деб тушунтирса бўлади.

Сўзимиз якунида тилимизни бойитиш, ҳаётимизда пайдо бўлаётган янги тушунча ва жараёнларни аниқ ифода этишда буюк бобокалонларимиз бисотидан кенг фойдаланиш айнаи муддао эканини таъкидламоқчимиз.

Шухрат Эгамбердиев.  
ЎЗР ФА Астрономия институти.

Этиборингизни яна бир ҳолатга қаратмоқчимиз. Юкорида таърифланган сайёраларнинг ҳар бирига алоҳида ранг ҳам бириктирилган. Бу анъана ҳам қадим замонлардан етиб келган (баъзи фикрларга кўра, бу анъана қадим бобилликларга бориб тақалади). Сайёра ва ҳафта кунларини муайян рангга муқофса этиш ўша даврларда илми нужум – астрологияда кенг қўлланиб келган. Навоий илми нужумга салбий муносабатда бўлганига қарамадан (Эмас афлюку анжум холи бенафъу зарар, лекин ани Тенгри билур, эрмас мунажжим билмаги мумкин), бундай ўхшатишдан фойдаланган.

«Сабъан сайёр» дostonида Дилором ҳажрида ёнган «бечора» Баҳром ўзини овутиш учун ҳафтанинг ҳар куни етти рангда қурилган саройларга қадам ранжида этиб, етти ранг либос кийган хурларнинг олдига кириб етти рангдаги қадахдан етти рангдаги шароб ичган. Навоий бу ҳолатни ҳам юксак бадиий йўсинда ифодалаган. Бунинг тасдиғи сифатида дostonнинг насрий баёнидан бир парча келтириш кифоя: «Душанба куни Баҳромнинг навбахормонанд кўк кийим билан яшил саройга юз кўйгани ва сабзаранг либос кийган хур билан зумрад қадахда ҳаёт сувини ичгани». Биргина кўк рангнинг шунча жилолари каламга олинганидан ҳайратда қолсан киши: кўк, яшил, сабза, зумрад!

Кези келганда, Навоий ўз ижодида рангларнинг турфа тус ва жилоларига қадар маҳорат билан ифода этганини таъкидламоқчимиз.



## «ЎТКАН КУНЛАР» ҚАЧОН ЎТГАН

Ўзбек романчилигининг илк асарларидан бири бўлган Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асарини кўпчилик севиб ўқийди. Бу романда халқимиз тарихининг кичик бир лавҳаси маҳорат билан тасвирланган. Муаллиф роман сўз-бошисини «Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар. Шунга кўра мавзунини мойиздан, яқин ўткан кунлардан, тарихимизнинг энг қирлик, қора кунларидан бўлган кейинги «хон замонларидан»дан белгуладим», деб бошлаган эди.

Ҳақиқатан XIX асрнинг 40-йиллари Қўқон хонлиги тарихида энг қора кунлар бўлган. Қўқондаги қалтис вазиятдан фойдаланган Бухоро амири Насрулло 1839-1842 йилларда уч марта Қўқон хонлигига бостириб кириб, Тошкент, Хўжанд, Ўратепа ва бошқа жойларни эгаллаб олади. Қўқонга Бухоро амири томонидан ноиб тайинланади. 1842 йилда қўқонликлар кўзғолон кўтариб, бухороликлар ҳукмронлигини ағдариб ташлашади. Хонлик тахтига Шералихон ўтиради (1842-1845 йй). Шералихон Насруллонинг янгидан қилган ҳужумини қайтаришга муваффақ бўлади. Шундан сўнг Тошкент, Курама, Хўжанд ва бошқа вилоятлар қайтадан хонлик тасарруфига киритилади. Шералихондан кейин тахтга ўтирган Худоёрхон (1845-1858 йй.) даврида тахт учун курашлар авжига чиқади.

«Ўткан кунлар» романида айнан шу давр воқеалари тасвирланган. Роман «1264 хижрия дав



*Абдулла Қодирий (1894-1934)*



нинг ярми кириб юборилгани ҳикоя қилинади. Шундан сўнг қушбеги Қўқонга умидсиз қайтишга мажбур бўлади. Азизбек эса, Юсуфбек хожининг эътирозига қарамай, етмиш кунлик камалдан силласи қуриган Тошкент аҳлига ўттиз икки тангадан солиқ солади. Халқнинг газаби аланга олади. Юсуфбек хожи бошчилигида Азизбекка қарши исён кўтарилди. Қўқонга қайтаётган Нормухаммад қушбегига Юсуфбек хожи чопар юбориб, шаҳар дарвозаларини очиб беради. Қўқонлик сипоҳлар Тошкентни эгаллайди ва Азизбек қатл этилади.

«Ўткан кунлар»да бу воқеалар асар қаҳрамонларининг тақдирига боғлиқ ҳолда кизикарли акс эттирилган. Нормухаммад Тошкентни эгаллаганидан сўнг Муслмонқула хат жўна-

ойининг ўн еттинчиси, қишки кунларнинг бири, ...», деган сатрлар билан бошланади. Романда тарихий воқеалар саналарининг йиллари хижрий-камарий тақвимда, ойлари эса хижрий-шамсий йил ҳисобида берилган. Бундай моҳирона усул воқеаларнинг йилнинг қайси фаслида рўй бераётганини ўқувчига билдириш учун қўлланилган. Романдаги «1264 хижрия далв ойининг ўн еттинчиси» 1848 йилнинг 6 февралига тўғри келади.

Асарда Тошкентда кўзғолон (1847 йилда содир бўлган) кўтарилиб, Қўқон хони ноиби Азиз Парвонани ағдариб ташланганлиги ёритиб берилади. Бу давр романининг «Тошқанд устида қонлик булутлар» фаслида берилган. Тошкент ҳокими Азизбек Қўқонга бўйсунмай исён кўтаради. Хон томонидан солиқ йиғиш учун юборилган девон бекларини ўлдиртиради. Асарда «Муслмонқул Нормухаммад қушбегига беш минг сипоҳ қўшиб, Тошқанд устига жўнаткан», дейилган. Отабекка отаси Юсуфбек хожи мактуб битиб, Тошкентдаги воқеалар тафсилотини баён этади. Мактубда Фарғонада уни Азизбекнинг шериги деб нотўғри ўйлашлари ва бундан Отабекка зарар етиши мумкинлиги, шунинг учун Тошкент тинчигунича унинг Марғилонда қолиши зарурлиги таъкидланади.

Романда Нормухаммад қушбегининг Тошкентни камал қилиши, тошкентликларнинг камал пайтида мардонавор туриши, уч минглик лашкар-

тади. Хатни Юсуфбек хожининг илтимосига кўра Ҳасанали олиб боради. Хатда Юсуфбек хожининг хизматлари ҳам тилга олинган эди. Бу хат туфайли Отабек иккинчи марта ўлимдан қутулиб қолади.

Ўқорида таъкидланганидек, романда воқеа йили хижрий-камарий, ойлар эса хижрий-шамсий тақвимда берилган. Масалан, Қумушнинг Отабекка ёзган мактуби – «1265 йил 17 жавзо», Отабекнинг Қумушбегига йўллаган хати – «1265 йил 26 жавзо» каби саналар билан кўрсатилган. Бу саналар милодий йил ҳисобида 1849 йилнинг 7 ва 16 июнига тўғри келади.

Абдулла Қодирий романининг фақат бир жойидагина санани хижрий ой тақвимида тўлиқ кўрсатган. Қумушбининг қабр тошига: «Қумушбиби бинти Мирзақарим Марғиновий, тарихи таваллуди 1248, вафоти 1269 хижрий, жумодулаввал» деган ёзув битилган. У вафот этган жумодулаввал ойи милодий 1853 йилнинг февраль-март ойларига тўғри келади.

Роман хотимасида ёзилишича, Отабекнинг чор Россияси қўшинларига қарши урушда халок бўлгани ҳақидаги хабар 1277 хижрий йилнинг қузиде етиб келади. Бу милодий ҳисоб билан 1860 йилнинг қузига тўғри келади.

Собит Илёсов.

ЎзР ФА Астрономия институти.

риб юбо-  
я қилинади.  
г қушбеги  
идсиз қай-  
р бўлади.  
Юсуфбек  
эътирозига  
иш қунлик  
ласи кури-  
ахлига ўт-  
адан солиқ  
нинг қазаби  
и. Юсуф-  
шчилигида  
ириши исён  
Қўконга  
Нормухам-  
га Юсуф-  
ар юбориб,  
озозларини  
Қўконлик  
Тошкентни  
Азизбек



қунлар»да  
исар қахра-  
такдирига  
қизикарли  
ган. Нор-  
Тошкентни  
сўнг Му-  
хат жўна-  
сига кўра  
хожининг  
ат туфайли  
қолади.  
нда воқеа  
ий-шамсид  
г Отабекка  
Атабекнинг  
26 жавзо)  
иналар ми-  
16 июнига

ракат бир  
ида тўлик  
«Қумуш-  
гарихи та-  
ддулаввал)  
юдулаввал  
г ойлариға

Атабекнинг  
ида ҳалок  
илининг қу-  
илан 1860

т Илёсов.  
институти.

## «ҚАМИШДАН БЕЛ БОҒЛАБ»?..

**П**оҳо ғалати сўзларга дуч келамиз. Маъноси-га унча эътибор қилмаймиз. Ана шуларинг бири – «қамишдан бел боғлаб» деган иборадир.

«Сиз тўйни бошлайверинг, қамишдан бел боғлаб хизмат қиламиз», дея лоф уради валломат оғайнилар. Ажаб, қамишдан ҳам белбоғ чиқадими?

Она тилимиз давлат тили мақомини олгач, сўз ва иборалар маъносини теранроқ очишга, уларнинг келиб чиқишини аниқлашга интилиб қолдик.

«Қамишдан бел боғлаб» деган идиомани ҳам «хаваскор тилчи»лар элак-элак қилишди. Тўғрида, похолни чийратиби, белга боғлаб олиш мумкин, аммо қамишдан белбоғ чиқмайди: синиб кетади, бир амаллаб эгиб боғламоқчи бўлсангиз, қўлни кесади. Демак, «қамишдан бел боғлаб» дегани қадимда сал бошқача қўлланган бўлса керак, аммо... қанақа тарзда?

Буни топинг дилбарим, деганларидай, бу жумбоққа ҳар ким ҳар хил жавоб ҳозирлаган. Уч-тўрт йил бўлди, бир муаллиф асли «қамишдан эмас, қайишдан бел боғлаб», дейилган бўлса керак, чуқки қайиш белбоғ ўта пишиқ бўлади, узилиб тушмайди, хизматга ҳозир одам ўзининг беминнат дастёрлигини шу орқали ифода қилган, дея фикр билдирди.

Бундай олганда, қамишдан бел боғлаганга қараганда бу мулоҳаза дуруст. Аммо... бир лектини бор. Биров қайишдан бел боғладим, демайди, камар такдим дейди, камар минг йилдан бери бор нарса ахир. Шунинг учун қамишни қайишга айланттиришга ҳам шошмаган дуруст. Сониян, қайиш деган сўзни ўзбекнинг тили келишмай қамиш деб кетган

бўлса ҳам бошқа гап эди. Қамиш ҳам, қайиш ҳам қадимги туркий сўзлар-ку.

Ардоқли шоиримиз Эркин Воҳидов эса бошқа бир талқинни олға сурган эди:

«Замонлар оша тилдан тилга ўтиб, сўзлари, харфлари ўзгариб кетган, асл маъносини йўқотган мақол ва маталлар кўп, – деб ёзади адиб. – Халқда Меҳмон отангдан азиз, Устоз отангдан улуг деган хикмат бор. Бирор акли зот, отадан улуг, отадан азиз инсон бўлмайди, деб айтган чоғи, кейинги вақтда Меҳмон отангдек азиз, Устоз отангдек улуг дейиш урф бўлди.

Отадан улуг ва азиз кишининг йўқлиги хақиқат. Айнан шунинг учун ҳам бу ташбеҳ ишлатилади. Мақол халқ ижоди. Ижод бадийятсиз, бадийят муболагасиз бўлмайди.

Меҳмон отангдан улуг, деганда биз аввало отани улуглаймиз. Отадан азиз, отадан улуг зотнинг йўқлигини муболага воситаси билан тасдиқлаймиз.

... Одамларда тафаккур кучи ортгани сари тасаввур кучи қамайиб бормоқда. Завқ-шавқ ўрнини совуқ ҳисоб-китоб эгалламоқда. Ақл ва юрак баҳсида ҳиссиёт енгилиб, қуруқ мантлик ғалаба қилмоқда. Бу жамият учун хатарли ҳол. Ўзбек аскияни унутса, дўстона ҳазилларни эсдан чиқарса, сўзнинг лаптофатини англамай қолса, бу фалокатдир.

Мақолни таҳрир қилувчи ҳушёр дўстларга маслаҳатим бор: Агар «дан» ўрнига «дек» қўйишни жуда хоҳласангиз, халқнинг бошқа бир ибораси борки, уни шундай таҳрир қилса савобли иш бўлади: «Тўйлар қилинг, қамишдан бел боғлаб хизмат қилай!» дейдилар. Аслида қамишдан бел боғлаш

эмас, камишдек бел боғлаб хизмат қилиш тўғриворк бўлади. Қамиш неча бўғинли бўлса шунча қарра бели боғлиқ. Ичининг бўм-бўшлиғи емай-ичмай хизмат қилишга, шамолда тебраниши тинч турмасликка, иш учун эгилишга, елиб-югуришга тимсол. Хиңчалиғи, инғичкалиғи эса мехнатта шай турган ёш йигитчадек. Мана буни хикмат деса бўлади)... («Сўз лағофати»).

Устознинг бу фикрларини ҳам она сўзларимизнинг туб илдишларини қидириб топиш йўлидағи ҳаракат деб қабул қилсак-да, шу борада яна бир мулоҳазани диққатингизга ҳавола этсак.

Бу иборанинг жуда қадимийлигига юқорида фикри келтирилган иккала талкин муаллифлари ҳам амин. Ахир, қайиш боғлаб юришининг ўзи унинг кўҳналығыни кўрсатиши, ёнки бўйра, бордон, чий, сават каби қамиш жиҳозлар рўзгорда қатта ўрин тутган маҳалларга тааллуқли-ку бу ибора. Биз эса шу кўҳналикка таянган ҳолда, уни тилимизда бўлган, аммо ҳозир тамом унутилиб кетган бошқа бир сўз билан боғлаб талкин этмоқчи эдик.

Бизнингча, бу иборанинг илк шакли «қайишдан...» ҳам, «қамишдек...» ҳам эмас, «қумошдан бел боғлаб хизмат қилиш» шаклида бўлган.

Хўш, қумош нима?

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (V жилд, 377- б.)да айтилишича: «Қумош (арабча: газлама, мато; бўз; эски лағта-путта) эск. Мато, газлама. Ҳеч қандай уста ҳам тўқий олмайди оламнинг мунчалик атлас-қумошин (Ғ. Ғулом). Жандамга кўҳан шоҳи қумошини алишмам (Муқимий)».

Демак, қумош – мато, газлама экан. Бирок изоҳли луғатда уқтирилганидек, лағта-путта эмас. Диққат қилсангиз, Муқимийдан ҳам, Ғафур Ғуломдан ҳам келтирилган мисралар қумошининг анча сифатли матоҳ эканидан хабар бераётди. «Фарҳанги забони тожики» (I жилд, 705 б.)да берилган шарҳга эътибор қилинг: «Қумош а. Газвори абрешимин, шоҳи.» Абрешим – ипак мато дегани.

Яна бир мўътабар манба – «Ғиёсул луғот» (жилди 2, сах. 144) да ёзилишича, «Қумош – рахт ва асбоб ва жомаи абрешуми ва матоъи хона; ва ба маънии жавҳар ва сифат низ омада» (Қумош – устки кийим, бошқа ашёлар ва ипакдан тўқилган жома; бу сўз бирон нарсанинг аслиғи ва сифатини билдириб ҳам келади). Демак, қумош – ипакдан тўқилган пишиқ, чидамли мато, у билан бел боғланганида ечи-либ, шалвираб кетмайди.

Савол беришлари мумкин: ипакдан тўқилган мато бўлса, шоҳи деб қўяқолиш мумкин эди-ку? Йўқ. Чунки шоҳи – қумошдан кейин чиккан янада сифатли, қимматбаҳо ипак мато. У дастлаб фақат подшоҳларга насиб бўлган, шунинг учун ҳам у шоҳи (шоҳларбоп) деб аталган. Қумош эса жўн ипак мато. Ундан ҳукмдор ҳузурдағи одамлар ҳам кийим қийган. Чидамли қилиб тўқиладиган қумошдан белбоғ ҳам тайёрланган ва қумош белбоғ боғлаш хизматга шайлик белгиси бўлган.

Аста-секин шойи мато шоҳлардан бошқа одамларга ҳам насиб этди, оммалашди, кейин шой-

идан ҳам афзал бўлган атлас пайдо бўлди. Сўнг у ҳам ўтиб, атласнинг яна янги бир тури чикдики, у хонатлас – хонларбоп атлас деб аталди. Демак, хонатлас хонлар замонда тўқиб чиқарилган. Алак, бўз, калами, қумош эса аввал турмушдан, сўнг тилдан ҳам даярли чикиб кетди. Яна бир туркум сўзлар борки, уларнинг объекти гарчи турмушдан чикиб бораётган бўлса-да, тушунча сифатида хали анча фаол (обжувоз, нағал, гупчак, сўзана, атлас, беқасам, қарғашойи, ўғирма, банорас ва х.).

Алишер Навоий асарларида эркак ва аёллар қиядиган 60 дан ортиқ либос турлари тилга олинган: або, аблак, абришим, атлас, воло, далқ, даббоғ, дебо, диклай (баъзи ўринларда «дакла», «декла»), доройи, елак, ёлук, жавшан, жанда, жома, жубба, жул, жиба, зарқаш, иксун, капанак, катон, киш, кезим, кўктемур, лихиф, лоя, мошоб, мураккаъ, ос, олтойи, паранд, парниён, пашмина, пўстин, песа, ридо, сайфур, сахарлот, синжоб, танпўш, тийин, тўрка, ўрмак, хирка, хильат, хафтон, шол, ширдоғ, чакмон, чопон, чорқаб, қоқум, қумош, кабо, «қарир», ҳасирий либос, хулла ва ҳоказо. Тилшунос олимларимизга Навоий асарларидан буни синчиқлаб аниқлаганлари учун миннатдорлик билдирган ҳолда айтиб ўтайликки, бу рўйхатнинг бир қисми либос, бошқа қисми эса матоҳ номларидан иборат.

Арабларнинг «қумош» сўзи форсий ва туркий тилларгагина эмас, яна бошқа кўпгина тилларга ҳам ўзлашган. Русча «қумач» сўзи ҳам ана шу қумошнинг бир шакли. Рус тилининг изоҳли луғатларида унинг қалин қилиб тўқилган ип-газлама мато экани, асосан қизғинтир тусда бўлиши талкин этилган. Қумошнинг русларда ип-газламадан тайёрланишини бу халққа шойи материаллар кейин кириб келгани билан изоҳланади, бирок руслар ҳам қумач (қумош) деганда қалин қилиб тўқиладиган, демакки пишиқ матони тушунишган. Қозон татарлари тўқиган қумошлар кўп машҳур бўлган.

Бу каби қадим сўзлар халқ қўшиқларида, мақол-матал ва ибораларининг асралигида сақланиб қолади. Ибора ҳам қуйма шакли, бадий маъноси туфайли узок яшайди. Баъзан ҳатто таркибидағи айрим сўз тилдан чиккан бўлса, фонетик жиҳатдан унга монандроқ бирон сўз билан алмашиб шилатила беради. Жумладан, қумош унга яқин, ҳаммага тағниш бўлган қамиш билан алмашди: қумошдан бел боғлаб → қамишдан бел боғлаб.

Қумошнинг маъноси, қумош сўзи қўлланган иборанинг қилиб қикиши борасидағи бир талкин бу. Аммо иборани аввалгидай «қамишдан бел боғлаб хизмат қилиш» деб қўллай берамизми, ё «қайишдан» шаклига ўтамизми, ёхуд «қамишдек» деб янгилаймизми, ё бўлмаса «қумошдай» тарзда энг қадим шаклига қайтамизми, деган саволга жавобан уларнинг бирини кўрсатиш нотўғри бўлар эди. Одамлар қандай қўлласса, шуниси маъқул. Эл сўзи элакка солинмайди.

Зухриддин **Исомиддинов**.

Адабиётшунос.

# IAU



100

INTERNATIONAL ASTRONOMICAL UNION

## 100 ЛЕТ У РУЛЯ МИРОВОЙ АСТРОНОМИИ

**В** календаре исследователей и любителей космоса наступивший 2019 г. знаменуется рядом замечательных дат и юбилеев. 21 марта исполнилось 625 лет со дня рождения выдающегося астронома человечества – Мирзо Улугбека, а 28 июля – вековой юбилей Международного астрономического союза (МАС) – событие, которое мировое сообщество будет отмечать весь год целым рядом мероприятий и симпозиумов.

Хотя официальное образование МАС произошло через 8 месяцев после окончания Второй мировой войны, исторически Союз начал формироваться задолго до этого: начав с создания карты неба в 1868 г., Постоянная комиссия по фотографической карте неба с 1887 г. начала охватывать и другие разделы астрономии, считаясь родоначальницей МАС. Интересно, что в 1904 г. (ещё до образования МАС) был организован Международный союз исследователей Солнца.

За столетие своей деятельности МАС, как одна из самых древних и в то же время весьма активных в настоящий момент научных организаций, не только координировал и объединял работу всех центров, университетов, институтов и обсерваторий нашей планеты и специалистов, занимающихся изучением ближнего и дальнего космоса, а также Вселенной в целом, но и оказал существенное

влияние на жизнь и деятельность практически всех людей Земли.

Так, вплоть до конца XIX в. во многих странах для определения географической долготы использовались свои нулевые меридианы, проходящие, как правило, через главные астрономические обсерватории этих стран. Например, во Франции – Парижский меридиан, в Российской империи – Пулковский меридиан и т.д. Международное астрономическое сообщество выступило против отсутствия единой стандартной системы координат. И в 1884 г. Международная меридианная конференция рекомендовала принять Гринвичский меридиан, проходящий через ось пассажного инструмента Гринвичской обсерватории в Великобритании, в качестве нулевого меридиана для всех стран.

В повседневной жизни человек постоянно позиционирует себя во времени, фиксируя моменты событий и промежутки времени между ними. Ещё со школьных уроков физики мы знаем, что существуют эталоны мер и весов, среди которых особое место занимает определение единицы времени – секунды. Однако этот фиксированный, хотя и весьма точный, эталон мало применим в быту – вся ритмика событий на Земле и в первую очередь биоритмы связаны с вращением нашей планеты вокруг своей оси и вокруг материнской звезды – Солнца. Поэто-

му сверять атомный эталон времени необходимо с астрономическими наблюдениями и вносить необходимые поправки. И только после этого мы фиксируем текущее время на своих часах, компьютерах и гаджетах. А более длительная хронология осуществляется, используя календари, которые опять-таки являются продуктом изысканий астрономов. И здесь просто необходимо отметить значение МАС, а именно её комиссии по времени, которая вычисляет эфемериды и ответственна за точность определения текущего времени. Так, в 1952 г. на 8-м съезде МАС и было утверждено определение секунды. МАС определил шкалу отсчёта времени, основанную на астрономических наблюдениях характеристик вращения Земли относительно далёких небесных объектов (звёзд и квазаров). Кстати, ранее в качестве нуля-пункта отсчёта времени было принято время Гринвичского меридиана (GMT). Впоследствии оно было трансформировано в систему «всемирного времени» (UT).

В настоящее время МАС общепризнан как высшая международная инстанция по решению астрономических вопросов, включая официальное наименование астрономических тел и деталей на них. При этом МАС не предоставляет платных услуг по именованию небесных тел в противовес некоторым самозванным «продавцам имён звёздам». В 1922 г. на 1-й Генеральной ассамблее МАС были введены деление неба на 88 созвездий, их оптимизация и унификация названия, определены их очертания (окончательные границы созвездий установлены в 1928 г.). На проходившей в 1958 г. в Москве 10-й Генеральной ассамблее МАС была определена новая галактическая система координат взамен старой. В 1976 г. решением Генеральной ассамблеи МАС была образована Рабочая группа МАС по картографированию, системе поверхностных координат и элементам вращения планет и спутников солнечной системы, которая, в частности, вводит и публикует определения картографических координат для поверхностей планет солнечной системы, используемых впоследствии для работы автоматических межпланетных станций (например, «Венеры-15», «Венеры-16», «Магеллана») при картографировании Венеры). В связи с обнаружением большого числа крупных объектов в поясе Койпера (так называемых «транснептуновых объектов») МАС на своей Генеральной ассамблее в Праге в 2006 г. уточнил понятие «планета» и ввёл новое понятие «карликовая планета», позже переименованное в «плутоид», а также проголосовал за решение перевести Плутон из класса «планета» в класс «карликовая планета».

Под эгидой Союза также работают Центральное бюро астрономических телеграмм и Центр малых планет, расположенные в Смитсоновской астрофизической обсерватории США. Эти подразделения МАС фиксируют и изучают спорадические явления как дальнего космоса (вспышки Новых, Сверхновых, барстеры, гамма-всплески, транзитные источники и др.), так и астероиды,

кометы и метеориды солнечной системы. А в плане предупреждения и защиты от «астероидно-кометной опасности» МАС и его подразделения действуют в тесном сотрудничестве со структурами НАСА, ЕКА и другими агентствами, осуществляющими космическую деятельность.

В исследовании и освоении околоземного космического пространства и, особенно, планет и других тел солнечной системы, а также глубоком исследовании уникальных объектов дальнего космоса космические агентства не могут обойтись без содействия астрономов и их Союза. Для астроориентации космических аппаратов, их сближения и посадки на планеты, астероиды и кометы, их детального изучения крайне необходимы данные астрономических наблюдений. Более того, совсем недавно стали известны планы крупнейших космических держав – США, КНР и РФ по колонизации и освоению Луны, а впоследствии и Марса, при осуществлении которых будет необходима помощь Международного астрономического союза.

Практически также очень важными являются исследования и прогноз явлений активности на Солнце и их влияния на межпланетное пространство, в особенности геоферу, чем непосредственно занимаются астрономы под координацией МАС. Экстремальный солнечный ветер от активных образований на Солнце, геомагнитная ситуация и их влияние на биологические организмы, в первую очередь человека, и на различные искусственные системы на Земле (электросети, теле-радио-сотовую связь, воздушную и морскую навигацию и т.д.) и в околоземном пространстве – на работу МКС и многочисленных ИСЗ, непрерывно отслеживаются специальными астрономическими и геофизическими обсерваториями. В то же время путешествия по солнечной системе также неосуществимы без должного учёта гелиофизической обстановки на траектории полёта. Например, грандиозная «Миссия на Марс» – пилотируемый полёт и первая посадка людей на поверхность Марса – требует детального изучения всех внешних воздействий на межпланетный корабль в целях обеспечения безопасности экипажа.

В последние годы в результате эпохальной регистрации гравитационных волн от ряда релятивистских астрономических объектов, особенно после наблюдения гравитационного излучения от слияния нейтронных звёзд одновременно с наблюдениями в ряде диапазонов электромагнитного спектра и космических лучей (нейтрино), роль МАС значительно возросла, в частности, в управлении и координации всеволновых (multi-messenger) наблюдений. Последние же, безусловно, дадут совершенно новый, порой неожиданный пласт знаний о Вселенной и объектах, её населяющих.

**Шухрат Эгамбердиев, Алишер Ходжаев.**

Действительные члены МАС.  
Астрономический институт АН РУз.



## МИССИЯ «ХАЯБУСА» – СОКОЛИНАЯ ОХОТА В СОЛНЕЧНОЙ СИСТЕМЕ



Благодатные сентябрь-октябрь ознаменовались ещё одним примечательным событием в истории экспериментальной астрофизики и освоения космоса: после почти четырёхлетнего полёта космическим аппаратом «Хаябуса» совершена первая в истории успешная мягкая посадка модулей на поверхность астероида (162173) 1999 JU3 – «Рюгу» (Yugu) и начато непосредственное детальное его изучение. «Хаябуса-2» – автоматическая межпланетная станция Японского агентства аэрокосмических исследований JAXA, предназначенная для доставки образцов грунта с астероида класса С. Согласно имеющимся данным, астероиды такого класса могут содержать в своих недрах органические соединения, которые являются фундаментальными «строительными» блоками для биологических форм жизни. Но на поверхности астероидов, подверженной влиянию температурных колебаний, жёсткого космического излучения и прочих факторов космической «погоды», концентрация органики будет крайне мала либо она вообще будет там отсутствовать.

Интересно, что название этого космического аппарата в переводе с японского означает «сапсан». Напомним, что сапсан – это самая быстрая птица в мире из семейства соколиных, которая в горизонтальном полете уступает в скорости только стрижу.

Ещё одна его особенность – обнаружив добычу, он приподнимается над жертвой и почти под прямым углом стремительно пикирует вниз («делает ставку»), причём удар когтями задних пальцев бывает настолько сильным, что даже у достаточно крупной дичи может отлететь голова.

Итак, целью для «Хаябуса-2» был выбран астероид «Рюгу». В перигелии его орбита заходит внутрь орбиты Земли, а в афелии достигает орбиты Марса. Диаметр «Рюгу» оценивается примерно в 920 м – почти в 2 раза больше, чем у астероида «Итокава» (Itokawa), образцы грунта с которого были успешно доставлены предыдущим японским исследовательским аппаратом «Хаябуса» в 2010 г. Несмотря на перипетии на обратном пути, связанные с неполадками аккумуляторных батарей (длительность миссии составила 7 лет), «Хаябуса» является первым аппаратом, доставившим на Землю образцы материала с одного из астероидов Солнечной системы.

Собственно сам «Хаябуса-2» будет проводить лишь дистанционные исследования астероида. Сбор образцов и создание кратера на поверхности будут выполнены его «помощниками»: спускаемым аппаратом и тремя маленькими роботами, роверами, которые будут прыгать по поверхности возле спускаемого модуля и периодически отдаляться от



него на более дальнюю дистанцию.

«Хаябуса-2», имеющий размер, сопоставимый с размером большого бытового холодильника, был запущен одноразовой ракетой-носителем компании Mitsubishi Heavy Industries с японского космодрома на острове Тангасима 3 декабря 2014 г. Конструкция аппарата «Хаябуса-2» почти полностью повторяет конструкцию аппарата «Хаябуса» за исключением многочисленных модернизаций для увеличения надежности как самого аппарата, так и его научного оборудования.

Ровно через год «Хаябуса-2» совершил манёвр на расстоянии 3100 км от Земли, и, получив дополнительное гравитационное ускорение, направился к астероиду «Рюгу». Как и предшественник, «Хаябуса-2» оснащён маршевыми ионными двигателями, однако, в них были устранены проблемы, выявленные в ходе предыдущей миссии. Первые снимки были сделаны оптической навигационной камерой аппарата 17 июня 2018 г., когда расстояние между аппаратом и астероидом было около 330 – 240 км. По данным этих снимков, астрономы рассчитали, что астероид «Рюгу» вращается в направлении, противоположном направлению вращения Земли, совершая один полный оборот вокруг своей оси за 7,5 ч.

27 июня аппарат «Хаябуса-2» задействовал свои химические реактивные двигатели, и 28 июня 2018 г. зонд сблизился с «Рюгу» и совершил первый виток по орбите вокруг астероида с удалением от его поверхности на 20 км. 21 сентября 2018 г. произошла мягкая посадка спускаемых модулей, которые займутся сбором и предварительным анализом минеральных образцов, на поверхность астероида. С подпрыгивающих автономных посадочных модулей-роботов Rover-1A и Rover-1B (шутливо называемых «роверы-прыгуны» или «попрыгунчики») получены первые моментальные снимки и видеоролик. Оба модуля находились в контейнере

*Изображение с высоким пространственным разрешением фрагмента поверхности астероида «Рюгу», полученное «Хаябуса-2» с высоты 64 м над его поверхностью (снимок справа). Положение этого фрагмента отмечено стрелкой на изображении астероида более крупного масштаба (снимок слева). © JAXA*

MINERVA II-1 («Micro Nano Experimental Robot Vehicle for Asteroid, the second generation»). К первому же поколению роверов относятся роботы «Хаябуса».

Помимо кадров, снятых на поверхности астероида роверами, в транслированном на Землю пакете данных было несколько снимков, снятых 21 сентября 2018 г. с аппарата «Хаябуса-2» с расстояния в 64 м во время самого близкого его подхода к астероиду. Эти снимки на сегодняшний день являются самыми качественными снимками поверхности «Рюгу».

На этих снимках и видеоролике можно увидеть серую, пыльную и покрытую камнями поверхность астероида. Во время съемки ролика в объектив камеры ровера попало Солнце, которое усилило красочность эффектов, создаваемых просветленными линзами камер ровера. Кстати, у Rover-1B имеется 3 камеры, в то время как Rover-1A оснащён одной единственной камерой. 23 сентября 2018 г. Rover-1B задействовал свою оригинальную двигательную систему и выполнил первый «подскок», снимая своими камерами всё происходящее. Необычность двигательной системы роверов заключается в том, что ни гусеницы, ни колёса не работают в условиях очень маленькой гравитации, и даже небольшой камешек, попавший во время движения под колесо, может послать ровер в свободный полет в космическое пространство. Движение роверов обеспечивается крошечным двигателем, выдающим строго отмеренные импульсы силы тяги, которые подни-

мают аппараты на высоту до 15 м над поверхностью астероида. После этого в действие вступает слабая гравитация астероида, которая возвращает ровер на поверхность. Из-за очень слабой силы притяжения астероида «Рюгу-роверы» остаются в «парящем» положении не меньше 15 мин. За это время они успевают осмотреть достаточно большую площадь поверхности при помощи своих камер и датчиков других типов. Данные, собираемые роверами, будут передаваться на аппарат «Хаябуса-2», выполняющий роль ретранслятора на орбите вокруг астероида.

3 октября 2018 г. совершил посадку модуль MASCOT (Mobile Asteroid Surface Scout) из контейнера MINERVA II-2, разработанный Германским центром авиации и космонавтики совместно с французским Национальным центром космических исследований. На спускаемый аппарат установлены спектрометр, радиометр, магнитометр и камера, а также двигательная установка, благодаря которой аппарат может менять своё местоположение для дальнейших исследований. MASCOT проработал на астероиде более 17 ч. За это время модуль три раза менял свое местоположение, успешно выполнил запланированные исследования состава грунта и свойств астероида и передал данные на орбитальный аппарат.

В отличие от «Хаябуса», миссия которого была относительно «мирной», на «материнском» аппарате «Хаябуса-2» установлена небольшая специальная «пушка» (её ещё в шутку называют «молотком-дробилкой») с ударным цельнометаллическим зарядом SCI (Small Carry-on Impactor), состоящим из медного 1.8-килограммового снаряда, вылетающего со скоростью 2 км в секунду, и заряда взрывчатки для формирования ударного ядра. Приблизившись к астероиду на некоторое расстояние, аппарат «Хаябуса-2» выпустит космическую «пушку» в свободное плавание и удалит от астероида на безопасное расстояние. Тем временем «пушка» приблизится вплотную к поверхности астероида для выстрела. Предполагается выстрелить из этого устройства в поверхность астероида, образовав на его поверхности достаточно глубокий искусственный кратер-воронку диаметром в несколько метров. После этого аппарат «Хаябуса-2» возвратится к месту проведения «стрельбы» и заберёт образцы изверженного вещества, которые впоследствии будут доставлены на Землю для тщательного анализа их химических и физических свойств. Предусматривается собрать образцы материала нетронутых пластов горных пород астероида, находящихся на некоторой глубине ниже его поверхности, которые были защищены от длительного воздействия солнечного ветра и космической радиации и в которых могут быть заключены подсказки к ответам на вопрос о возникновении жизни на Земле.

Тем временем специалисты JAXA уже почти закончили выбор потенциально безопасного места и разработку наилучшей траектории для макси-


мального приближения «Хаябуса-2» к поверхности астероида и забора манипулятором образцов его материала. У «Рюгу» весьма необычная форма. Астероид выглядит со стороны как подвешенный в космосе огромный кристалл какого-нибудь минерала из-за экваториальных выпуклостей на его поверхности, при этом она покрыта ударными кратерами, разломами, впадинами, выпуклостями и неровностями, что затрудняет посадку аппарата. В отличие от мест, куда были спущены роверы, выбранное место имеет относительно гладкую поверхность, что не предвещает никаких неожиданностей во время выполнения достаточно опасного маневра. Тем не менее, руководство JAXA еще не приняло окончательного решения, а специалисты продолжают исследовать и оценивать другие места поверхности астероида.

Запланированные на ближайшее будущее события миссии «Хаябуса-2» таковы: посадка модуля Rover-2 – июль 2019 г.; отбытие в обратный путь к Земле – декабрь 2019 г.; возвращение на Землю с образцами грунта – декабрь 2020 г. Таким образом, «Хаябуса-2» проведет возле астероида полтора года и будет первой в истории космонавтики миссией исследования поверхности астероида при помощи аппаратов, способных к самостоятельным перемещениям.

